

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Шавкат МИРАЛИМОВ, Тўлқин ЭШБЕКОВ

ЖУРНАЛИСТИКА
МАЪНАВИЯТ
ЖАМИЯТ

ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН”
2010

76.01(5Ў)
М 54

Масъул муҳаррир
Жаббор РАЗЗОҚОВ

тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаровнинг
умумий таҳрири остида

Тақризчилар
филология фанлари номзоди, доцент Рамзиддин Абдусатторов
сиёсий фанлар номзоди Шерзод Қудратхўжаев

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарлари, касб байрами муносабати билан “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўллаган табриги ҳамда “Президентга мактублар” китобида журналистика, маънавият ва жамият тараққиётига оид мухтасар фикрлар, шунингдек, ОАВга оид қонунлар, ҳукумат қарорлари, ОАВ соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси ҳақида фикр-мушоҳада юритилади. Шунингдек, журналистика амалиёти ва моҳорат масаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари журналистика факультетлари талабалари, магистрлари, тадқиқотчилари, таҳририятларда, ахборот хизматларида ташкил этилган “Маҳорат мактаблари” тингловчилари ва журналистика соҳасига қизиққан барча ўқувчиларга мўлжалланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-01-531-9

© “Ўзбекистон” НМИУ, 2010.

СЎЗ БОШИ

Маънавият журналистикада ўз ифодасини топади. Жамиятни маънавият ва “ҳаёт кўзгуси” ҳисобланмиш журналистикасиз тасаввур этиш қийин. Журналистика жамият ва маънавият ривожига қанчалик муҳим ўрин тутишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Демак, журналистика – маънавият – жамиятни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Она табиат бағрида турфа гуллар унгани мисол жамиятда ҳам журналистика ва маънавиятнинг гуллаб-яшнаши учун аввало замин яралади. Демократик жамиятда журналистика соҳасининг ҳуқуқий асослари ва моддий базаси яратилади, тегишли қонунлар, қарорлар қабул қилинади. Ўз навбатида журналистика ана шу жамият ва маънавият тараққиётига хизмат қилади. Айни пайтда маънавият журналистика учун замин яратади, ҳам ундан “баҳра олиб” ривожланади. Журналистика ва маънавият бир жамиятда ривож топади ҳамда ўз навбатида шу жамиятни маънан юксалтиради.

Маънавиятни англаш учун жамиятнинг маънавий илдизларидан тортиб тегишли қонунларигача ҳис этиш, таъбир жоиз бўлса, ўқиб-ўрганиш жоиз. Давлат раҳбари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам ана шу бир-бири билан узвий тушунчалар: жамият тараққиётида маънавият ҳамда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг қанчалик муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилган.

“Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш” асарида эса жамият ва маънавиятга таҳдид солаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахборот хуружларига алоҳида эътибор берилади. Бундай маънавий таҳдид ва хуружларга қарши курашда биринчи галда журналистлар зиммасига улкан масъулият юкланади. Улар айниқса ёшлар онгини турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш учун астойдил курашмоқлари давр талабига айланган. Бу борада матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари мафкура майдонида қандай ўрин эгаллаши зарурлиги яхши маълум.

Куч – адолат ва бирликда, деган ибора замирида оламча маъно мужассам. Қайсики мамлакатда давлат билан халқ ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган бўлса, у шак-шубҳасиз жамият тараққиётига хизмат қилади. Бундай улуғвор тараққиёт йўлида ҳар қандай ахборот хуружлари, маънавий таҳдидлар чиппақка чиқиши шубҳасиз. Давлат раҳбари Ислом Каримовнинг халқ, жамоатчилик билан қанчалик мустаҳкам алоқада эканлиги “Президентга мактублар” китобида яққол кўринади.

Ўқув қўлланманинг биринчи қисмида “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш” асарлари, касб байрами муносабати билан “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўлланган табрик ҳамда “Президентга мактублар” китобида баён этилган фикрлар замирида журналистика, маънавият, жамият уйғунлигини тўла ақс эттирувчи мулоҳазалар таҳлилу талқин этишга ҳаракат қилинди.

Қўлланманинг иккинчи қисмида журналистика соҳасига оид қонунлар, бу борада ҳукумат қарорлари ва уларнинг ижроси ҳақида сўз боради. Айниқса, ОАВ соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Журналистикани амалиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, журналистика факультетларида талабаларга назарий билим бериш билан қаторда амалиётга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўқув қўлланманинг учинчи қисмида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида амалиёт ва маҳорат мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилади.

1-қисм

ЖУРНАЛИСТИКА ВА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИ

Жамиятда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзига хос ижтимоий институт сифатида

шаклланди. Матбуот чинакам ҳаёт кўзгуси, “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилмоқда. Жамиятда ОАВ ўрни, бекиёс имкониятлари, фаолияти ва келажақдаги мақсадлари Ислоҳ Каримовнинг асарларида теран ёритилган. “Оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилмоғи лозим,— деб таъкидлаган эди давлат раҳбари.— Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак”¹.

Шуни қайд этиш жоизки, 1993 йилдан буён 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Байрам муносабати билан давлат раҳбари ўз табригида миллий журналистиканинг бугунги ҳолати, бу борада эришилаётган муваффақиятлар билан бир қаторда галдаги вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. 2009 йилда йўлланган табрикда шундай дейилган: “Ўзбекистонимизни янада раванқ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиликлар ва ривожланиш жараёни юз бераётганини, матбуотнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлаётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда”¹.

Табрик хатида алоҳида таъкидланганидек, агар бундан ўн беш йил олдин республикада 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонаси моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани таъкидланади. Зеро, жамият маънавиятини муттасил юксалтириб боришда ОАВ жуда кенг имкониятларга эгадир. Миллий журналистиканинг келгусидаги асосий вазифаларидан бири ҳам ана шу имкониятларни тўлиқ ишга солишдир.

Замонавий ахборот майдони: мақсад ва масъулият

Бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули интернет дунёни ягона ахборот майдонига айлантирди. Шу боис мамлакатда интернет

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 22 б.

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 2009 йил 27 июнь.

журналистикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг исботини кўплаб ОАВ билан бирга қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ахборот хизматлари ҳам интернетда ўз веб-сайтларига эга эканидан билса бўлади. Айни пайтда олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора ортиб бораётгани ҳам замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар тиғизлигини янада оширади.

Ахборот майдонида ўзбек журналистларининг ҳам ўз ўрни бор. Замонавий технологиялар воситасида миллий журналистика наинки республикада, балки, дунё ахборот маконида муносиб ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларини www.mtrk.uz сайти орқали жаҳоннинг исталган жойидан кузатиш мумкин. Ундан ташқари баъзи етакчи каналларнинг кўрсатувлари сунъий йўлдош орқали уззу-кун бутун дунёга намоиш этилмоқда. Бу ўзбек халқининг бой тарихи, бетакрор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини ёритишга хизмат қилаётгани мамлакатда замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасидир. Радиоэшиттириш ва телекўрсатувларнинг мазмундорлиги ҳам тобора ортиб бормоқда.

Матбуот соҳасида ҳам шундай ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Газета ва журналларнинг аксарияти интернетдаги сайтлари орқали дунё ахборот маконини янада бойитишга хизмат қилмоқда. Шунга мутаносиб равишда журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бормоқда. “Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳамманинг ҳам кўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қунт ва изланиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказди,— деб ёзади И.Каримов.— Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга — бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими — буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим”¹.

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 2009 йил 27 июнь .

Бу қадар мураккаб ва ўта масъулиятли вазифалар тўла амалга оширилиши ҳам жамиятнинг янада маънавий юксалишига хизмат қилади. Бундай замини мустаҳкам маънавият том маънода енгилмас кучга айланиши шубҳасиздир. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг тўртинчи боби “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” деб номланган бўлиб, унинг “Инсон қалбига йўл” сарлавҳали биринчи фаслида “маънавиятни чиндан ҳам ана шундай қудратли кучга айлантириш учун биз қандай масалаларга биринчи галда эътибор беришимиз, қандай ишларни амалга оширишимиз зарур?” деган ҳақли бир савол қўйилади. Бу саволга ҳар бир онгли фуқаро, зиёли инсон мухтасар жавоб излар экан, албатта муносиб жавоб топишга интилади. Мазкур асарда қайд этилганидек, маънавият ҳақида “ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз,— деб ёзади муаллиф.— Биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹.

Бундай мураккаб вазифани амалга оширишда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бу борада фаолиятлари ОАВ билан бевосита боғлиқ ўқитувчи ва мураббийлар, ёзувчи ва журналистлар, кино ва театр ижодкорлари, мусиқачилар ва рассомлар, шунингдек, бошқа зиёлилар жамият олдидаги маънавий бурчини чуқур ҳис этган ҳолда фаоллик кўрсатишлари тақозо этилади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, республикада оммабоп газета-журналлар билан бир каторда турли соҳалар фаолиятини кенг ёритиб боришга ихтисослаштирилган тармоқ нашрлари ва мазмун-мундарижаси муайян мавзуларга қаратилган хусусий нашрлар ҳам муҳим ижтимоий воқеликка айланган.

Интернетнинг беқиёс қудрати жамият ҳаёти барча жабҳаларига бевосита таъсир ўтказмоқда. Унга доимо тўғри баҳо бериш тақозо этилади. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида жамият маънавий тараққиётида матбуотнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, шундай илғор фикрлар илгари сурилган: “ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади”¹. Бу муҳим вазифани амалга оширишда ОАВнинг ўрни ва таъсир кучи беқиёсдир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 129 б.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 9 б.

Ахборот майдонидаги ҳаракатлар тиғизлигини турлича изоҳлаш мумкин. Бу жараёнда жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиганлари ҳам ва аксинча, маънавиятга салбий таъсирини ўтказадиганлари ҳам кам эмас. Бундай салбий хатти-ҳаракатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги зарур. “Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодимизни турли тажовузлардан асрашда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур мазмун ва аҳамият касб этмоқда,— деб ёзади муаллиф.— Биз одамларнинг фикрини бошқариш эмас, аксинча, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва юксалтириш тарафдоримиз. Яъни, ўзини кимнинг авлоди эканини, қандай буюк маънавий мероснинг вориси эканини яхши англайдиган ва улуғ аждодларининг меросига муносиб бўлиб, ўз ақл-заковати ва соғлом ҳаётий қарашларига таяниб яшашга интиладиган ёшларни камол топтиришда халқимиз, жамоатчилигимиз оммавий ахборот воситаларидан кўп нарса кутишга албатта ҳақлидир”¹.

Замонавий ахборот майдони ҳам турли коммуникация воситалари билан янада бойиб бормоқда. “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқанда қолиб кетиши ҳеч гап эмас,—деб таъкидлайди муаллиф.— Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куралига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”².

Бу шакл-шубҳасиз маънавиятга ҳам турли даражада таъсир кўрсатиши аниқ. Бугунги даврда оммавий ахборот воситалари маънавий тарғиботнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. У фақат воситагина бўлиб қолмасдан айни пайтда маънавият соҳасида эришилган ютуқлар солномасига айланиб бормоқда. Истиқлолнинг дастлабки беш ё ўн йиллигида қандай ютуқларга эришган эдик? Шу кунгача яна нималарга муваффақ бўлдик? Бу каби илҳомбахш саволларга муносиб жавобларни ҳам турли йилларда нашр этилган газета-журналлар таҳламларидан, рисола ва китоблардан, қолаверса, телерадиокомпаниянинг олтин хазинасидан мухтасар жавоблар топиш мумкин.

“Жамиятимиз маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаб томони шундаки, бугунги кунда бошимиздан кечираётган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлида учрайдиган жуда кўп муаммоларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фақат ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб ҳал этишга тўғри келмоқда,— деб ёзади муаллиф.— Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 11 б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 112-113 б.

соҳаси мафкуравий тазйикдан бутунлай халос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси, бадий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди”¹. Шу тариқа эркин ижод учун, миллий қадриятлар ва бой маънавиятни, миллат тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.

Демак, бугун ижоднинг турли йўналишларида ўз истеъдодини намоён этаётган журналистлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар жамият маънавиятини янада раванқ топтиришга ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин. Бугунги кунда матбуот ва бошқа ОАВ жамият маънавий тараққиётига ҳисса қўшиш билан ўзига хос ижтимоий институтга айланган.

Жадидлар ҳаракати ва миллий матбуот тараққиёти

Миллий матбуот тамал тошини фидойи жадидлар қўйганлари баайни ҳақиқат. Бу борада “тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин,— деб ёзган муаллиф.— Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди”¹. Уларнинг ўтган аср бошларида асос солган газета-журналлари кейинчалик миллий матбуот ривожига муҳим ўрин эгаллади.

Юксак маънавиятнинг асл тарғиботчиси ва ташвиқотчиси бўлмиш миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз борар экан, уларнинг қисқача тарихи, йўналишлари ва мустақиллик давридаги ривожига ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Газета. Газета матбуотнинг энг қадимги туридир. Жамият тараққий этиши кишиларнинг информацияга бўлган талабини оширди. Қоғоз ихтиро қилинган, ёзилиши ва тарқатилиши қулай қўлёзма варақаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. XVI асрда денгиз йўллари туташган, савдо-содиқ ривожланган Венецияда ҳам нарх-наво, кемалар қатнови жадвали ва бошқа зарур янгиликлар битилган варақалар чиқарилиб, ўша пайтда муомалада бўлган “gazzette” деб аталувчи кумуш тангага сотилгани учун “газета” номини олган². Кейинроқ газета – оммавий ахборот воситаларининг асосий турларидан бири сифатида оммалашган. У жамиятнинг шу кундаги сиёсий-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 132-133 б.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 49 б.

² Қаранг: Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2008. – 59 б.

иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётини ёритади, шу куннинг тарихини тўлалигича акс эттиради. У ўқувчига дунёни билдиради, унинг онгини оширади, маънавий озиқ беради, ижтимоий фаолиятини йўналтиради ва фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам газета матбуотнинг асосий ўзаги ҳисобланади.

XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган тараққийпарвар жаҳидчилик ҳаракатининг намоёндалари ўзларининг маърифатпарварлик ғояларини халққа етказиш учун “Тараққий”, “Хуршид”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Самарқанд” каби газеталарни нашр этганлар. Бу газеталарнинг бошида М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон сингари буюк сиймолар турганлар.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек газетачилиги ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди. Ҳозирга келиб республикада 600 дан ортиқ номда газета нашр этилмоқда.

Журнал. Моҳиятан газета билан ёнма-ён турувчи матбуотнинг яна бир тури – журнал деб аталади. Журнал французча – “кундалик” деган маънони билдиради. Журнал оммага кенг жабҳада ва бой маънавий озуқа етказиб беради, ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онг ўртасида мутаносибликни чуқурлаштиради, инсон ақлу тафаккурининг янада ўсиши йўлида хизмат қилади.

Туркистонда илк миллий журналлар XX аср бошларида пайдо бўлди. 1913 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан Самарқандда чиқарилган “Ойина” журнали оммага илм-маърифат, тараққиёт ғояларини кенг ёйди, қолоқлик ва жаҳолатга қарши курашди.

Ўтган асрнинг биринчи чорагидан буён юртимизда “Ер юзи”, “Муштум” кейинчалик “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Ёшлик” каби кўплаб журналлар пайдо бўлди. Юртимиз истиқлолга эришганидан буён “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Фан ва турмуш”, “Саодат”, “Санам”, “Гулхан”, “Ёш куч”, “Соғлом авлод учун” сингари кўплаб ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, адабий-бадиий, санъатга оид, ҳажвий, суратли, тармоқ, ёшлар, хотин-қизлар журналлари нашр этилмоқда.

Матбуотнинг жамоатчилик фикри ифодачиси бўлиш қонунияти кўпроқ журналларга тааллуқлидир. Журналлар жамият ҳаётининг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётининг қатор масалалари, муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиради.

Радио. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида оммавий ахборот воситалари қаторига радио кириб келди. Радио, юнонча – “нур таратаман” деган маънони англатади. Бу ўринда унинг электромагнит тўлқинлари орқали овозни узоқ масофага ва катта ҳудудга симсиз тарқатиш хусусиятига эга. Радио рус олими А.С.Попов томонидан кашф этилган ва 1895 йил 7 майда синовдан муваффақиятли ўтказилган.

Тошкентда биринчи радиоэшиттириш 1927 йилнинг 11 февралда бошланган. Ҳозирги кунга келиб радио ниҳоятда даражада ривож топди ва жамият маънавий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди. Айни пайтда “Ўзбекистон”,

“Тошкент”, “Ёшлар”, “Машъал” каби каналлар билан бир қаторда ўнлаб нодавлат радиостудиялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Телевидение. Телевидение юнонча – tele – узоқ, visio – кўриш маъносини англатади. Телевидение кашфиётчилари орасида тошкентлик тадқиқотчилар Б.П.Грабовский ва И.Ф.Белянскийларнинг ҳам номлари бор. Улар 1928 йил 28 июлда Тошкентда илк бор телекадрларни кўрсатувчи аппаратни синовдан ўтказганлар. Кейинчалик – 1956 йил 5 ноябрда Тошкент телевизион маркази ишга туширилди. Шу куни зангори экраннинг чироғи ёнди ҳамда биринчи телесухандонлар Иқбол Олимжонова ўзбек тилида ва Юнона Столярова рус тилида телекўрсатувларни олиб бордилар. 1962 йилдан бошлаб Тошкент телестудияси икки дастурда кўрсатувлар бера бошлади.

Бугунги кунда республика телевидениесининг “Ўзбекистон”, “Тошкент”, “Ёшлар”, “Спорт” каналлари билан бир қаторда жойларда кўплаб нодавлат телестудиялар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот агентликлари. Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини изчил равишда йўлга қўйишда ахборот агентликлари (лотинча “агент” – хизмат қилувчи, демак, агентлик – хизмат кўрсатиш идораси деган маънони англатади) муҳим ўрин тутди. У ОАВни тезкор ахборотлар билан таъминлайди.

Бугунги кунда республикада ЎЗА, “Жаҳон”, “Туркистон Пресс” каби етакчи ахборот агентликлари фаолият кўрсатмоқда.

Интернет. Инсоният ақл-тафаккурининг янада ўсиши ва фан-техниканинг бекиёс даражада ривожланиши билан ОАВ сафига интернет (инглизча “internet” – тармоқлараро деган маънони билдиради) кириб келди ва курраи заминни ягона ахборот маконига айлантirdи. Интернет ОАВнинг алоҳида, ўзига хос бир туридир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларда маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги 137-қарори интернетнинг янада ривож топиши учун муҳим асос бўлди. Бугунги кунда интернет тармоғида Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва деярли барча нашрлар, ахборот агентликлари ҳамда бошқа турли ташкилотлар ҳам ўз веб-сайтларига эгадирлар.

Китоб нашриётлари. Китоб гарчи вақтли матбуот тури бўлмаса-да, умуман босма маҳсулот кўриниши сифатида оммавий ахборот воситалари таснифига тааллуқлидир. Китоб (арабча – “ёзилган нарса”, “ёзма маҳсулот” деган маънони билдиради) инсон маънавиятини юксалтиришда бебаҳо тафаккур хазинаси ҳисобланади. Туркистонда ўзбек тилида чоп этилган биринчи китоб – 1871 йили Ш.Иброҳимов томонидан тайёрланган “Солнома” тақвими эди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон”, Ғафур Ғулом номидаги, “Ўқитувчи”, “Меҳнат”, “Шарқ”, “Маънавият”, “Фан”, “Янги аср” сингари ўнлаб нашриёт-

матбаа уйлари, нашриётлар маънавий, адабий, бадий, илмий хазиначиларимизнинг янада бойишига хизмат қилмоқда¹.

Ахборот хизматлари. Сўнгги йилларда мамлакатда жамоатчилик билан алоқалар муҳим ижтимоий институт сифатида шаклланимоқда. Бу жараёнда журналистика соҳасида ҳам янги бир йўналиш пайдо бўлди. Яъни, турли идора ва ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини, шу билан бир қаторда ОАВ билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга хизмат қиладиган Ахборот хизматлари журналистика соҳасида ўзига хос янги йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарорида¹ ахборот хизматларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилди. Ушбу қарорда, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этилиши белгиланган.

Хулоса ўрнида, ҳозирги миллий журналистика борасидаги давлат раҳбарининг сўзларини эслаш ўринлидир: “Бугунги кунда сиёсат ҳақида гапирганда – сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида – иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни – мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда”¹. Истиклол шарофати билан дунёга бўйлашаётган Ўзбекистоннинг барча соҳаларда, жумладан, ахборот ва матбуот соҳасида ҳам қанчалик улкан салоҳиятга эга эканлигини кўрсатиш учун барча шароит ва имкониятлар етарли.

Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли сифатида

XX аср охири ва XXI аср бошларида замонавий ахборот технологиялари бутун дунёда глобаллашув жараёнини тезлаштириб юборди. Хўш, глобаллашув ўзи нима? Француз тилидан олинган “global” сўзи – умумий, латинча “globus” – шар, яъни, бутун ер шарини қамраб олувчи маъносини билдиради². Аини пайтда “бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий

¹ Қаранг: Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2008. – 66-107 б.

¹ Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-қарори. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – 152-157 б.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – 23 б.

² Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-ж., 2002. – 39 б.

тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”¹. Айрим мутахассислар фикрича, глобаллашув – узлуксиз давом этадиган тарихий жараён бўлиб, у бир жихатдан дунёни ягона ахборот маконига айлантириб қўяди. Бу маконда наинки ахборот, балки, иқтисод, маданият, санъат ва ҳоказо соҳаларда ҳам ўзига хос яқинлашув жараёнини кузатиш мумкин. Глобаллашув жараёни тўғрисида гапирганда у аввало ҳар бир давлатнинг тараққиёти ва равнақига беқиёс ҳисса қўшаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда бирор мамлакат бу жараёндан четда турмаслиги аниқ. Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, “глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демак”². Айти пайтда глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказиш қуроли сифатида намоён бўлаётганини тан олмаслик мумкин эмас.

Бунинг маънавиятга ўтказадиган таъсири ҳақида ўйласангиз беихтиёр Ҳиндистоннинг давлат арбоби Махатма Гандининг куйидаги сўзлари ёдга тушади: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдартўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”. Давлат мустақиллигига эришганидан сўнг Ўзбекистон ҳам биринчи галда дунёга эшикларини очган. Бу жараёнда мамлакатга турли соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган илғор технологиялар, илмфан ютуқларининг намуналари ва ҳоказолар кириб келди. Шу билан бирга қандайдир ғайришуурий “оммавий маданият” ниқоби остида маънавиятга, ўзбекона ахлоқ, урф-одатлар, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ғоялар, “санъат асарлари” ва бошқа салбий ҳодисалар ҳам тўзондек кириб кела бошлади... Шунинг учун глобаллашувнинг маънавиятга салбий таъсир ўтказувчи мафкуравий қуролга айланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Азалдан Марказий Осиё Буюк ипак йўлида жойлашганлиги боис Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвонлар орқали ҳам дунё маданиятидан баҳраманд бўлиб келган. Шу билан бир қаторда қадимдан миллий маданиятимиз шу тариқа жаҳон узра қулоч ёяверган. Буни дунёга довруқ солган кўплаб алломаларимизнинг беқиёс маънавий мерослари мисолида кўриш мумкин. Ўз давридаёқ Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек сингари буюк сиймоларнинг бетакрор илму ижодидан жаҳон аҳли шу тариқа баҳраманд бўлгани яхши маълум. Бугунги глобаллашув жараёнларини ҳам шундай эзгу мақсадга йўналтириш фойдадан холи бўлмайди. Келгуси авлод глобаллашувни мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айланишига йўл қўймаслиги ўз ҳаётларининг тинч ва равон давом этишига хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 111 б.

² Қаранг: ўша жойда.

ОАВ соҳасида замонавий технологиялар

Замонавий ахборот технологиялари глобаллашув жараёнини тезлаштирди. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ўзига яраша. “Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин,— деб ёзади давлат раҳбари,— ...замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқот-нинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”¹. Зеро, эртанги кунимизнинг моҳияти асосан эзгу мақсадлар сари интилиш бўлар экан, бунда интернет каби замонавий технологиялар фақат яхшиликка, тинч ва осойишта ҳаётга хизмат қилиши керак. Бу эса эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучлари ёшларнинг шиорига айланмоғи лозим. Ахборот соҳасидаги глобаллашув бугунги кунда ўзининг кўп ижобий жиҳатларини намоян этиш билан бирга қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу айниқса ёшлар онгига турли даражада таъсирини ўтказиётганига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Шундай вазиятда дунёда тобора кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ёшлар онгу тафаккурини ҳимоя қилиш ҳаётий заруратга айланган. “Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда,— деб ёзади давлат раҳбари.— Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги асосий миллий телерадиоканаллар аҳолининг ҳолис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини ошириш, қадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, фуқароларимиз онгида демократик кадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида муносиб хизмат қилаётганини таъкидлаш керак”¹. Шу ўринда муаллиф ҳали бу соҳада амалга ошириш зарур бўлган кўпгина мақсадлар турганини ҳам алоҳида таъкидлайди. Аввало, телевидениени давлат ва жамиятни бир бири билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш, эфир орқали бугунги куннинг долзарб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 111 б.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 134-135 б.

муаммоларини кўпроқ акс эттириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ҳар бир инсоннинг ўз мустақил фикрини ифода этишига имкон бериш, турли ижтимоий гуруҳларнинг қизиқишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Албатта, ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагани ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир журналист касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

“Оммавий маданият”нинг маънавиятга салбий таъсири

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари аввало бутун инсоният тараққиётида муҳим ўрин эгаллади. Ҳамиша янгиликка ташна, илғор технологияларга ўта қизиқувчан ёшлар учун биргина интернет воситасида глобаллашув жараёни жуда қизиқ туюлишини изоҳлашга ҳожат йўқ. Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганини¹ ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ, илм-фаннинг бундай бекиёс ютуғидан кимлардир ғаразли мақсадларда фойдаланишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ваҳоланки, баъзи сиёсий кучлар бу ноёб мўъжизадан ўзларининг ғайриинсоний мақсадлари йўлида мафкуравий курул сифатида фойдаланмоқда. Бу ҳол аввало ёшлар онгини, маънавий оламини издан чиқариши ҳеч гапмас. “Бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”¹. Бундай хатти-ҳаракатлар замирида қандай мақсадлар ётганини англаш қийин эмас. Аслини олганда маънавиятга қарши қаратилган турли таҳдидлар мамлакат ва жамият хавфсизлигига жиддий путур етказди.

Бундай саъй-ҳаракатлар аввало ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутишига сабаб бўлади. Маънавий инқирознинг салбий оқибатлари нималарга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас. “Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга

¹ Қаранг: Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – 5 б.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – 5 б.

қарши кучлар аҳолимизга айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, “оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда,— деб таъкидлаган эди давлат раҳбари.— Яхши биламиз, халқимиз оққўнгил, содда ва ишонувчан. Матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарайди. Четдан туриб бизга қарши иш олиб бораётган информацион марказлар ҳам шундан фойдаланиб қолишга уринади”¹. Бундай хатарли ҳолатларнинг олдини олиш учун аввало маънавий-маърифий тарғибот ишларини муттасил кучайтириб бориш тақозо этилади. Бу борада ҳар бир инсон, айниқса талаба-ёшлар ўзларининг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиши зарур. Шундай мақсадда биринчи навбатда телевидениеда ёшларга мўлжалланган маърифий кўрсатувлар бериб бориш, газеталар саҳифаларида махсус рукнлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Токи, онгу тафаккури эндигина шаклланаётган ёшлар ғарб санъатига сажда қилиш даражасига етиб бормасин, етти ёт бегона мафкуралар таъсирига тушиб қолмасин, пировардида, ўзлигидан айрилмасин.

Маънавий бўшлиқ ва ахборот майдонидаги хавф-хатарлар

Ақл тарозусига солиб кўрсак, кўпгина фанлар ибтидосини болаликданок оилада ўрганганмиз. Эшитган эртақларимиз – адабиёт фанининг ибтидоси бўлса, санашни ўрганиш – математиканинг илк сабоқларидир. Ўсимликлар дунёси – ботаника, жониворлар – зоология, қуёш ва ойнинг чиқиб-ботиши – астрономия, чакмоқ чақиб, ёмғир ёғиши – табиат ва физика фанлари ҳақида тасаввур уйғотган. Миллий ғоя, шарқона фалсафани ҳам илк бора ота-онамиз қонимизга сингдирган. Улар ҳатто тарих, миллий қадриятлардан ҳам сабоқ берганларини энди англаяпмиз. Ҳуқуқбузар қандай жазога тортилишини ҳам қулоғимизга қуйишган: “Ўғирлик - гуноҳ, жазоси оғир...”

Сўнгги йилларда ахборот технологиялари беқиёс даражада ривожланиши баробарида луғатимизга “ахборот хуружи” деган ибора кириб келди. Яна бир бора ўйлаб кўрайлик-чи, бугун биз учун янгиликдек туюлаётган бу мавзуда ҳам ёшлиқ чоғларимиз оилада сабоқ олмаганмидик? Оналаримиз аввало нима яхши-ю нима ёмонлигини уқтиришган. Мана бу яхши, буниси – ёмон...

Демак, илк тарбиячиларимиз мурғак қалбимизда ёмон нарсаларга, салбий ҳодисаларга қарши иммунитет пайдо қилишган. Бу борада кўпгина мақоллар воситасида тарбия кўрганмиз. Яъни, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади, яхшига эргашдинг – етдинг муродга, ёмонга эргашдинг – қолдинг уятга, қозонга яқин юрсанг – қораси юқади, ишонмагин дўстингга – сомон тикар пўстингга, каби биз эшитган мақолу нақллар замирида ҳам турфа

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – 12-13 б.

салбий иллатлардан эҳтиёт бўлиш, одамнинг онги заҳарланиб қолишидан сақланиш ғоялари мужассам.

Ёш авлод мактабга боргач, оилада ўрганган илмларини фан сифатида ўзлаштирмоқда. Мамлакат истиқлолининг дастлабки йиллариданок биз ўз қадриятларимиз, тарихимиз, бобокалонлар аслида қандай буюк зотлар бўлгани, бетакрор урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз ҳақида баралла айта бошладик. Демак, ахборот хуружига қарши кураш ғоят жиддий масала бўлиб, бу ижтимоий ҳодиса илмий тадқиқ қилиниши ва ўз навбатида унинг сиру синоати мактаблардаёқ ёш авлодга ўргатилиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган баъзи ғояларга қарши илғор фикрли ёшларнинг ўзлари дадил курашмоқда. Синалган ғоялар эса боболаримиз, азиз момоларимиз, бой ҳаёт тажрибасига эга ота-оналаримиз тарбияси устувор бўлган оилаларда куртак отган эди! Бугун ўғил-қизларимизнинг мактаб, лицей ва коллежидан чиқа солиб, компьютер хоналарига югуришлари, мурғак қалбларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга интилишлари, ҳаётга нақадар қизиқувчан ва айни пайтда улар нечоғли ишонувчан ҳам эканликлари маълум. Шунини билиб, юрт тинчлигига ола кўз билан қараётганлар “отни қамчилашга” чиранаётганлари ҳам сир эмас!

Аслини олганда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Мабодо бирор жойда бўшлиқ пайдо бўлса, уни тўлдиришга ҳаракат қиладиганлар пайдо бўлиб қолаверади. “Ҳозирги кунда ким кўп – ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас,— деб алоҳида таъкидлаган давлат раҳбари.— Нега деганда, улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда”¹. Шу азиз Ватанни муқаддас билган ҳар бир инсон унинг осойишталиги, тинч ва фаровон ҳаёти учун ўзини масъул деб билиши, бу борада ҳеч қачон бепарво бўлмаслиги ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Мафкура полигонларида сўзнинг қудрати

Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг “сўз атомдан кучли” деган машҳур сўзлари бугунги кунда “мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга” ибораси билан ўз ифодасини топгандек. Бу масала барчани огоҳ бўлишига ундовчи жиҳатлари кўп.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 134-135 б.

Иқтисодий соҳада буни осонроқ пайқаш мумкин. Мафкуравий таъсирни англаб етиш мушкул. “Бундай кучлар ўз мақсадларига етиш учун шундай маккор усул-услуг ва замонавий ахборот технологияларини ишлатмоқдаки, уларнинг тазйиқларига дош бериш, бундай хуружларнинг ниқоби ва сирасорини очиб ташлаш, асл ниятларини англаш – бу ўта оғир ва мушкул вазифа бўлиб, уни адо этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди,— деб таъкидлаган давлат раҳбари.— Агарки биз Ўзбекистоннинг ўзимиз орзу қилган эртанги ёруғ кунини, буюк келажагини барпо этмоқчи бўлсак, бир ҳақиқат барчамизга равшан бўлиши керак: бу вазифа, авваламбор, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси бўлган, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, таянчимиз-суянчимиз бўлмиш болаларимизни бундай ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилиш билан бевосита узвий боғлиқдир”¹.

Ёшлар онгини турли салбий таъсирлардан муҳофаза этиш рўйи заминни атом балосидан асраш билан тенгдир. Негаки, улар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлигини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқдир. Бугунги талабалар дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ҳар доим тўғри англаб етишлари учун ҳам қайғуриш зарур. Бу борада ҳам яна бир бора айтадиган бўлса, атомдан кучли ҳисобланган сўз қудратига таяниш мақсадга мувофиқдир. Шундагина улар ҳақни ноҳақдан, оқни қорадан ажрата оладилар. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол,— деб таъкидлаган эди давлат раҳбари.— Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ўтган йиллар давомида дунёда ва минтақамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу хулосанинг тўғри эканини қайта-қайта исботламоқда”¹. Дарҳақиқат, бугунги ёшлар ўқув даргоҳларида таҳсил олиш билан бир қаторда радио-телевидение, газета-журнал, интернет каби оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кўплаб ахборотларга эга бўлмоқдалар. “Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди,— деб уқтирган эди давлат раҳбари.— Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”². Бунда ёшлар давлат келажагига янада теранроқ нигоҳ билан қарашга ўрганадилар. Маърифатли дунё, халқаро

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – 7-8 б.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 134-135 б.

² Ўша асар. 114 б.

хамжамият билан Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари моҳиятини англаб етиш ёшлар қалбига қанчалик ижобий таъсир кўрсатишини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Демак, мафкура полигонлари бугунги кунда ядро полигонларидан кучли эканлигини ҳис этган ҳолда ўша “полигон”ларда маънавий дунёмизнинг завол етишига асло йўл қўймаслигимиз ҳаётини заруратдир.

Бепарволик, лоқайдликнинг маънавиятга етказадиган зарари

Бу борада сўз юритганда аввало юртимизга турли йўллар билан олиб киришга ҳаракат қилинадиган “оммавий маданият” ниқоби остидаги бузғунчи ғоялар, ахлоққа зид фильмлар кўз олдимизда намоён бўлаверади. Заҳар солмоқ чаённинг иши, деганларидек, бузғунчиликни касбу корига айлантриб олган бандалар миллий маънавиятга шу тариқа зарар етказиш учун тинмай ҳаракат қилавериши мумкин. Бу қабиҳ ишларини амалга оширишда улар интернетдек энг замонавий технологиялардан усталик билан фойдаланаётганлари сир эмас. Таассуфки, интернетни ҳеч вақт тўхтатиб ё жиловлаб бўлмайди. Шундай кезде қандоқ йўл тутмоқ керак, деган саволга мухтасаргина жавоб шу: бепарво ё лоқайд бўлмайлик, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг мурғак қалблари маънан заҳарланишига йўл қўймаслик лозим. Маънавиятга етказиладиган зарар нақадар қимматга тушиши, бундай хатти-ҳаракатлар миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзини издан чиқариши мумкинлигини ҳар бир инсон, айниқса, онги эндигина шаклланаётган ёшлар теран англашлари зарурдир.

Бебаҳо бойлик – маънавиятнинг инқирозга юз тутишига йўл қўймаслик келгуси авлодларнинг ҳам абадул-абад асосий мақсад ва вазифаларига, таъбир жоиз бўлса, ҳаётини шиорларига айланиб қолиши лозим. “Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантришга қаратилганида намоён бўлмоқда,– деб ёзади давлат раҳбари.– Бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай ҳужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг микёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”¹. Агарки, биз турли хуружларга, маънавий таҳдидларга лоқайд ва бепарво юраверсак, собиқ мустабид тузум даврида бўлгани каби она тилимизга, муқаддас динимизга, бетакрор урф-одатлару маросимларимизга, ҳатто оддий кийиниш маданиятимизгача дарз кетаверади. Дарз кетган юрак ўнгланиши амри маҳол бўлгани мисол оҳори кетган маънавият ҳам асл ҳолига қайтиши мушкул. Шу ўринда Давлат раҳбари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 13 б.

таъкидлаганидек, “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”¹. Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон миқёсида айрим бузғунчи кучларнинг маънавиятга қарши қаратилган ғайриинсоний хатти-ҳаракатларига лоқайд ва бепарво қарашга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Маънавий-маърифий тарғибот технологиялари

Дунё ягона ахборот маконига айланган даврда ёшларни турли салбий таъсирлардан, ахборот хуружларидан асраш учун ҳар бир жабҳада аввало маънавий-маърифий тарғибот технологияларини кенг жорий этиш муҳим вазифалардан бирига айланган. Бунинг учун аввало, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади¹.

Маънавий тарбиянинг асл пойдевори оилада. Ўғил-қизлар улғайган сари улар қалбида маънавий-маърифий тарбияга бўлган эҳтиёжлари ҳам ортиб бораверади. Яъни, мактаб, коллеж ва лицейда, турли олий ўқув юртларида маънавий-маърифий тарбияни узликсиз давом эттириш тақозо этилади. Бунда маънавий-маърифий тарғибот технологияларининг илғор усулларини жорий этиш заруратга айланади.

Маънавий-маърифий тарбия масаласида хушёрликни йўқотиш мумкин эмас. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, мукаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз². Шундай экан, бугун биз ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда миллий маънавиятга заррача завол етказмаслик ҳақида қайғуришимиз заруратга айланган.

Маънавий-маърифий тарғибот технологиялари ўзи нима? Уни қаерда ва қай тарзда кенг жорий этиш мумкин, деган саволга жавоб топамиз. Аввало, мустақиллик юртимизга берган бекиёс неъматлар, аниқроғи, сўнгги йилларда турли соҳаларда, айниқса, маънавият борасида эришилган ютуқлар

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 116 б.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 116 б.

² Қаранг: Ўша асар, 4 б.

моҳиятини мурғак қалбларга она сути каби сингдиришимиз, уларни ҳаёт синовларига бардошли қилиб камолга етказишимиз зарур. Бу борада ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, журналистлар бир тану бир жон бўлиб курашмоғимиз муқаддас бурчимизга айланмоғи шарт. “Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади,— деб ёзади муаллиф.— Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информатсион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур”¹.

Маънавий-маърифий тарғибот технологиялари орасида матбуот ва бошқа ОАВ етакчи ўринни эгаллар экан, демак, ижод аҳли “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини дастуриламал қилган ҳолда фаолият юритиши кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилаверади.

Асрларга татигулик йиллар

Ушбу мавзуда сўз юритишдан аввал бир муҳим масалага эътибор қаратсак. Мамлакатимизда ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши замирида улкан маъно мужассам. Яъни, бу йиллар силсиласида ҳаётнинг турли жабҳаларида миллий маънавиятимиз юксалиб бормоқда. Буни аввало ўша йилларнинг номларида ҳам кўриш мумкин. 1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар”, 2002 йил – “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр ва мурувват йили”, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Шифокорлар ва ҳомийлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 – “Ёшлар йили” ва 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлик йили” деб номланиши мамлакатимизда муайян соҳалар ривожига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида маънавий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Биргина 2008 йилнинг мамлакатда “Ёшлар йили” деб аталиши миллионлаб ёшлар қалбида чексиз ғурур ва ифтихор, она Ватанга муҳаббат

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 126-127 б.

туйғусини жўш урдирди. “Ёшлар йили” Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси эса йигит-қизлар ҳаётида ёрқин саҳифага айланганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда эълон қилинган “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида, ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва турли соҳаларда таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш зарурлиги қайд этилган. Мазкур ҳужжатда, ёшларнинг манфаатларини тўлиқроқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ҳамда оқимларга қарши тура оладиган миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мусиқа, рассомчилик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оилаларни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чоратадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш каби масалаларни ҳал этиш ҳам ушбу қарорда қайд этилган.

Давлат раҳбарининг 2007 йил 7 декабрдаги “Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир”, 2008 йил 8 февралдаги “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” мавзусидаги маърузасида ёшларга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга молик. Бундай улуғ мақсадлар моҳиятини ёшлар ҳам дилдан ҳис этадилар.

Буюк алломалар ёшликни – умр баҳори, гўзаллик фасли деганлар. Ҳаёт инсонга тухфа этадиган энг бебаҳо бойлик – ҳар бир инсоннинг куч-қувватга тўлган, билимга чанқоқлик, қалби орзу-умидларга тўла ёшлик давридир. Атоқли адиб Пиримқул Қодиров ёзганидек, инсон чинакам камолга етмоғи учун ҳаётга учта маънавий илдиз отмоғи лозим. Яъни, ҳақиқий инсон бўлиш, пухта билим эгаллаш ва пок севги-муҳаббатга эришиш. Уларнинг амалга ошиши кўпроқ талабалик йилларига тўғри келади. Адиб ўзининг машҳур “Уч илдиз” романида талаба ёшларнинг шундай орзу-умидлари, интилишларини бадиий бўёқларда тасвирлаган. Айтиш жоизки, бугунги талаба ёшлар учун етук инсон, Ватанга муносиб фуқаро бўлиш, ҳар томонлама пухта билим эгаллаш ва орзу-умидларга етишишлари учун барча имкониятлар мажуд.

Сўнгги йилларда барча олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар ўзгача чирой очмоқда. Ўз номи билан “Ёшлик” деб аталувчи талабалар шаҳарчаси

минглаб иқтидорли ёшларнинг чинакам илм ва ижод масканига айланмоқда. Шаҳарча кўркига кўрк кўшиб турган бетакрор манзаралар ҳар бир йигит-қизга ўзгача илҳом беради. Талабаларнинг шинам турар-жойлари, сув спорти саройи, стадион ва бошқа спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрида!

Шу ҳудудда “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан 500 кишига мўлжаллаб ташкил этилган “Келажак овози” ёшлар ахборот-ресурс маркази фаолияти ҳам иқтидорли ёшлар келажаги учун қаратилган. “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” ва “Меҳр нури” жамғармалари истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани эътиборга моликдир.

“Келажак овози” танлови доирасида “Биз – Ўзбекистон ёшларимиз”, “Биз бир жамоамиз” шиорлари остида фото ва бадиий кўرғазмалар ташкил этилиши, “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”, “Шу азиз Ватан барчамизники” мавзуларида ёшлар форумлари ўтказилиши ҳар бир истеъдод соҳибига қанот бахш этади. Бундай имкониятлар ҳар бир талаба қалбини ғурурга тўлдириб, маънавий дунёсининг янада бойишига хизмат қилади.

2009 йил – “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлик йили” деб номланиши ҳар бир бободехқонга қанчалик маънавий қанот бахш этганини тасаввур этиш қийинмас. Улар том маънода элнинг ризқ-рўзини яратувчи соҳибкорлардир. Эл ризқ-рўзини ўйлаб фидойилик кўрсатаётган деҳқонлар моддий неъматлар яратиш баробарида аслида тенгсиз маънавий хазиналар бунёд этишаётганини тўғри англамоқ жоиз. “Ҳақиқатан ҳам, табиат ва тарих қонунларини, унинг таракқиёт жараёнларини чуқур тушунадиган одамгина ўз ҳаётини маънавий жасорат асосига қуришга қодир бўлади. Шу маънода, шахсан мен захматкаш ва бунёдкор халқимизнинг ҳаётини, айниқса қиш қаҳратони ва ёз жазирамасида ҳам, баҳор ва кузнинг ёғин-сочинли кунларида ҳам ердан ризқ ундириш мақсадида кунни кунга, тунни тунга улаб меҳнат қиладиган деҳқонларимиз ҳаётини том маънода жасорат намунаси, деб биламан,– дея эътироф этади давлат раҳбари.– Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қахрамонлик кўрсатиш – албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг мухими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак”¹.

Қишлоқ аҳли толеида шундай дориломон кунлар борлиги қалбларга қувонч бағишлайди. 2009 йил мамлакатда “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши биланоқ бу борада қабул қилинган Давлат дастурига биноан республика вилоятларидаги барча қишлоқларда ҳаёт янада жонланиб кетди. Сўнгги йилларда юзлаб қишлоқларда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини, деярли барча хонадонлар табиий газ билан таъминлаганини, замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар бунёд этилганини, лой кўчалар ўрнини қафтдек текис асфальт йўллар эгаллай бошлаганини ҳам эслаш жоиз.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – 164-165 б.

Қишлоқ инфратузилмаси реал воқеликка айлангани сари оддий одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Қишлоққа саноат ва турли инвестициялар киритилаётгани, мустақилликнинг ҳаётбахш нурлари минглаб қишлоқларни янада мунаввар этаётгани қувончли ҳол.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлиги аввало қишлоқ жойларда турмуш маданиятининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Муҳими, қишлоқларни ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш билан бир қаторда дастурда белгиланган кўплаб хайрли ишлар ҳам сўзсиз амалга оширилади.

Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2010 йилга юртимизда “Баркамол авлод йили” деб ном беришни таклиф этди. “Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради,— деб таъкидлади давлат раҳбари.— Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз”¹. Дарҳақиқат, ёш авлоднинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши ва замон талабига мос мутахассис кадрлар бўлиб етишиши юртимизнинг том маънода тараққиётига хизмат қилади. Демак, давлат ва жамият тараққиётини, эртанги кунимиз тақдирини ҳал қилишга қодир ёшларнинг баркамол авлод бўлиб камолга етишиши қанчалик муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Янги 2010 йилда мамлакатимизда баркамол авлодни камолга етказиш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилади. Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, янги йилга ном бериб, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз².

2010 йилга “Баркамол авлод йили” деб ном берилиши муносабати билан махсус давлат дастури қабул қилинади. Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш вазифаси ўз-ўзидан журналистлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

“Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман,— деди давлат раҳбари.— Таълим

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 й. 6 декабрь.

² Қаранг: ўша жойда.

соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим”¹. Демак, муҳим вазифаларнинг асл моҳиятини чуқур англаб олиш зарур. Уни ОАВда ёритишда эса бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ҳисоботи билан чекланиб қолмасдан теран таҳлил қилиш зарур. Бу масалада мутахассислар фикрини ва жамоатчилик муносабатини ўрганиш, таъбир жоиз бўлса, суҳбатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Анжуманда, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср, деб эътироф этилиши ҳаётга янада теран нигоҳ билан қарашга даъват этади. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар². Бу оқилона фикр ҳар биримизга тааллуқли эканини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, эртанги кунимиз ана шу интеллектуал бойлик билан чамбарчас эканини бугунданок кўра бошладик.

Маънавий жасоратни ҳар ким ҳар хил тушуниши ва турлича талқин қилиши мумкин. Бироқ, заҳматли меҳнатлари эвазига эл дастурхонини турфа ноз-неъматлар билан безатаётган, турмушимизни янада фаровон қилиш учун енг шимараётган азиз деҳқонларнинг маънавият ривожига қўшаётган ҳиссаларини ҳар қанча юқори баҳоласак арзийди.

“Президентга мактублар”

“Маънавият” нашриёти томонидан 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига юборилган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга давлат раҳбари йўллаган жавоблардан танлаб олинган айрим намуналар “Президентга мактублар” деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилинган эди. 2009 йилда ана шу китобнинг иккинчи жилди чоп этилди. Мазкур китобдан 2005-2009 йиллар давомида давлат раҳбари номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбобларидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Бежирим муқоваси юксак дид билан безатилган ушбу китобни варақлар экансиз, давлат раҳбарининг халқ билан қанчалик ҳамнафас, ҳамфикр эканлигини юракдан ҳис этасиз. Бу мактубларга қай даражада муносабатда бўлиниши кўпчилиكنи қизиқтириши мумкин. Китоб аввалидаёқ бу саволга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Халқ сўзи, 2009 й. 6 декабрь.

² Қаранг: ўша жойда.

мухтасар жавоб топасиз. “Сўзбоши ўрнида” битилган жумлаларда, давлат раҳбари фуқаролардан келадиган ана шундай мактублар ўзининг масъулиятли фаолияти учун катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: “Бу хатлар мени ҳаёт билан, жамоатчилик вакиллари, халқ билан боғлаб турадиган муҳим восита вазифасини бажаради. Бундай мактубларни ўқиганда мен гўёки оддий юртдошларимиз билан мулоқот қилиб, суҳбат кургандек бўламан. Шу боис ҳар қайси хатга жиддий эътибор бериш, уларни жавобсиз қолдирмасликни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан”¹ – деган фикрлари келтирилган.

Журналистлар таъбири билан айтганда, хат ортида инсон бор! Тарозининг иккинчи палласига яна бир бора эътибор қаратадиган бўлсак, қўлига қалам тутган ўша инсон кимга, қайси идорага хат йўллаётганини ҳам яна бир бора дилдан ҳис этмоғи мақсадга мувофиқдир. Маҳалла, туман, шаҳар ё вилоят доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар хусусида аввало маҳаллий мутасаддиларга хат ёзиб, ўша муаммоларни жойида ҳал этишга муваффақ бўлаётган фуқаролар ҳам кам эмас. Бу ҳақда маҳаллий газеталарда ҳам ёритилмоқда.

Бирок, оддий фуқаронинг мурожаатига панжа орасидан қарайдиган амалдорлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолда ўзи учун ҳақиқат излаган фуқаро юқори ташкилотларга мурожаат қилиши мумкин. “Яна бир гуруҳ хатларда эса жойларда ҳал бўлмасдан келаётган айрим муаммолар, мавжуд камчилик ва етишмовчиликлар, уларга барҳам бериш ҳақида ёрдам сўраб мурожаат қилинади, – деб таъкидланган “Сўзбоши ўрнида”. – Бу бежиз эмас, албатта. Чунки одамлар ўзлари ишонч билдириб сайлаган, жамиятимиздаги барча ўзгариш ва янгиликларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимиз билан ана шундай ўткир муаммоларни очик муҳокама қилиш, ўзларини безовта этаётган, қийнаётган масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш, зарурат туғилганда, ёрдам ва кўмак сўрашга ўзларини ҳақли деб билади”¹.

Катта ёшдагилар, аниқроғи, аллақачон ўтмишга айланган собиқ мустабид тузуми даврининг кирдикорликларини, ғайриинсоний сиёсатнинг нақадар мудҳиш оқибатларини ўз кўзлари билан кўрган кишилар Мустақиллик деган олий неъматни ўзгача тушунадилар. Юртимиз истиқлолга эришганидан буён қанчалик машаққатли йўлни собитқадамлик билан босиб ўтганини, бу улуғ йўл бошида давлат раҳбарининг қанчалик матонат кўрсатаётганини ва ўз халқини қандай бахт чўққилари сари бошлаб бораётганини юракдан ҳис этадилар! Бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб, шу шарафли йўлда давлат раҳбари билан ҳамиша бирга бўлишга азму қарор қилган миллионлаб юртдошлар қалбида ҳам жўш ураётган эзгу фикрларнинг поёни йўқ. Уларнинг бир қисми “Президентга мактублар” китобидан ўрин олгани ҳам айни муддао бўлган.

“Мана шундай мактублар менинг зиммамга юклатилган масъулиятли вазифани адо этишда қандайдир куч-ғайрат беради. Жойларда билдирилган

¹ Президентга мактублар. /тўпловчи З.Мирзақулов, муҳаррир М.Қаршибоев, нашр учун масъул Х.Султонов. –Т.: Маънавият, 2009. – 3 б.

¹ Президентга мактублар. –Т.: Маънавият, 2009. – 4 б.

самимий фикрлар, юртдошларимизнинг юрагини очиб ёзган хатларини ўқиб, ўзим учун яқин ва қадрдон одамлар билан сирдош бўлиб, юзма-юз сўзлашгандек бўламан,— дейди Президент.— Бундай ёзишмаларнинг ҳар қандай инсон учун, биринчи навбатда раҳбар учун аҳамияти катта. Негаки, одамзод ўз сирини тасодифан дуч келган кишига очавермайди, қандай оғир вазиятга тушмасин, дарду ғамини ҳаммага ҳам баён қилмайди. Фақат ўзи ҳурмат қилган, ишонган инсонгагина дил сирларни очиши мумкин. Ва бундай ишончнинг албатта қадрига етиш керак”¹.

Шу ўринда бир фикр: журналистикада “Хат жанри” алоҳида ўрин тутади. Бу жанр орқали жуда кўп мавзуни теран ёритиш мумкин. Ўқувчи айнан хат жанрида ёзилган битикларга қизиқиш билан қарайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда “Президентга мактублар” том маънода хат жанридаги кенг қамровли китоб бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, мазмунан бири-бирига боғланиб кетган хатлар замирида сўнгги йилларда ўзгача қиёфа кашф этаётган Ўзбекистоннинг ҳақиқий жамоли-ю камоли акс этганини англайсиз. Китобдан ўрин олган ҳар бир мактубни эътибор билан мутолаа қилган ўқувчи кўз ўнгида она Ватаннинг пурвиқор тоғларию болга тўлган боғлари, ҳаётбахш дарёларию серҳосил далалари, адирларини тўлдирган чорвасию бозорларига файз киритаётган ҳолваси, бири-биридан кўркам қишлоқларию жаҳонни ҳайратга солаётган шаҳарлари, ҳамманинг ҳавасини келтираётган енгил машиналарию самони тўлдираётган самолётлари, янгидан чирой очиб буюк аждодлар руҳини шод этаётган меъморий обидаларию ёшларни камолга етказаётган замонавий ўқув даргоҳлари, ёш оилаларга ланг очилаётган бахт эшикларию чақалоқ овозидан жилваланган бешиклари, афсонавий Алпомиш изидан бораётган паҳлавон спортчиларию ақли донишликда олам тан олаётган олимлари, ер қаъридан тиллаю ипак қуртидан пилла олаётган жўмард меҳнаткашлари, дастурхонларни тўкин қилаётган деҳқонларию саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларни янада юксалтираётган турли касб эгаларининг нақадар бахтиёр чехралари, ҳаётдан мамнун қиёфалари, ажиб сиймолари намоён бўлаверади!

“Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг оила аъзолари Сизга чуқур эҳтиром билан ушбу мактубни йўллашни ўзларининг қиёматли қарзлари деб биладилар. Шоира ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Сизни кўп эслар ва “Бу шахс ўзбек халқининг бошига қўнган бахт куши бўлди”, дер эдилар,— деб ёзади Ҳулқар ва Омон Олимжоновлар.— Шоира Зулфия номига Сиз йўллаган мактуб ўша кезларда кекса ижодкорнинг умрига умр қўшгани, унга янги ҳаётий илҳом бахш бахш этганига биз гувоҳмиз”¹.

Эътибор берган бўлсангиз, Юртбошимизнинг Зулфия сингари қанчадан-қанча асл фарзандларига, қолаверса, турли касб эгаларига, ёшларга шахсан йўллаган мактубларининг ўзи бир жаҳон, дегимиз келади! Бундай ҳаётбахш мактублар замирида оламча маъно бўлиб, ўша инсонларнинг қўнглини осмон қадар кўтарганини тасаввур этиш қийинмас.

¹ Президентга мактублар. —Т.: Маънавият, 2009. — 5 б.

¹ Президентга мактублар. —Т.: Маънавият, 2009. — 10 б.

Кези келганда шуни фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, ҳар йили 27 июнда касб байрамини кенг нишонлайдиган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўлланади.

“Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлиқ қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан,— деб ёзади давлат раҳбари бу йилги табригида.— Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, кунт ва изланиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказди”¹. Бундай ҳароратли сўзлар қайси қаламкашни ҳаяжонга солмайди! Бу табрик ақл қаймоғи, юрак қийноғи, қалб кўри, фикр дури, кўз нури ила қалам тебратадиган журналистларни янада илҳомлантириши табиий.

Пахтақору ғаллақорлар, шифокору мураббийлар, бунёдқору соҳибқор, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритиб келаётган спортчилару ёшларга ва бошқа турли соҳа эгаларига шарафли кунларда йўлланган мактублар барча-барчани янги марралар сари чорлаши, эртанги кунга умид ва ишонч уйғотиши шак-шубҳасиздир.

Бугунги кунда журналистика факультетларида PR, яъни, “Жамоатчилик билан алоқалар” алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Ана шу дунёвий фан нуқтаи назаридан қаралганда “Президентга мактублар” китоби давлат раҳбари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги алоқалар қанчалик самарали ва айти пайтда нақадар юқори даражада эканлигининг ёрқин ифодаси эканлиги намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига кўплаб хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан қатор мактублар йўлланаётгани мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги мавқеи, нуфузи тобора ортиб бораётганининг яққол ифодасидир. Зеро, китобнинг “Дунё эътибори ва эҳтироми” деб номланган бобида таъкидланганидек, “халқаро жамоатчилик Юртбошимиз олиб бораётган сиёсат тимсолида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг бугунги ҳаёти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ва ёруғ келажагини кўради. Таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, оддий инсонларнинг самимий хатлари ана шундай юксак эътироф ифодасидир”¹.

“Президентга мактублар” китобини мутолаа қилган ўқувчи давлат раҳбарининг юксак масъулияти, серқирра фаолиятини янада теранроқ англаб, мамлакат ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти ва бошқа масалалар юзасидан ватандошлар, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлари ҳақида янги

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 2009 й. 27 июнь.

¹ Президентга мактублар. –Т.: Маънавият, 2009. – 148 б.

маълумотларга эга бўлади. Мухтасар қилиб айтганда, ушбу китоб ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Китобдан ўрин олган мактубларда баён этилган эзгу фикрлар аслида миллионлаб қалблардан таралган маънавий нурларга ҳамоҳанг. Бу нурлар маънавий хазинани янада бойитиш билан бир қаторда даврнинг ўзига хос солномасига ҳам айланиб қолади.

2-қисм ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Миллий журналистика ривожда қонунларнинг ўрни

Жамиятда маънавий тарғибот марказида матбуот ва бошқа ОАВ туради. Мамлакатимизда ОАВ ҳуқуқий заминига мустақиллик йилларида эга бўлди.

Матбуот ва умуман ОАВ соҳасини, унинг жамият маънавий ҳаётини янада юксалтиришда тутган ўрнини кенгроқ тасаввур этиш учун журналистика соҳасига оид қонунларни ҳам пухта билиш мақсадга мувофиқдир. Эндиликда бу борада ҳам ҳуқуқий маданият юксала бошлади. Бугун ОАВ фаолиятини қонунларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ОАВнинг ҳуқуқий кафолати белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунини (1996 йил) эътибор билан мутолаа қилган ҳар бир ижодкорнинг аввало ҳуқуқий савияси юксалиши, ўзининг қанчалик қонуний муҳофаза этилганини дилдан англаб етиши шубҳасиз. Қонунда аввало муаллиф, ёзув, ижрочи, эълон қилиш, манзарали-амалий санъат асарлари, фонограмма, асар нусхаси ва соҳага оид бошқа муҳим омиллар тўғрисида аниқ тушунча берилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунида (1996 йил) бу соҳанинг ҳуқуқий асослари, чунончи, муассис ва ноширнинг ҳуқуқлари, бурчлари ҳамда мажбуриятлари белгилаб қўйилган¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни (1997 йилда қабул қилиниб, 2007 йилда янги таҳрири кучга кирди) ОАВнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилашда том маънода ҳуқуқий асос ҳисобланади².

Бу қонун ҳуқуқий демократик жамият учун нақадар зарур ва муҳимлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Қонунда аввало оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий кафолатлари нималардан иборат, деган саволларга батафсил жавоб топасиз. Яъни, газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва

¹ Қаранг: Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Мехнат, 2003. – 89-116 б.

¹ Қаранг: Ўша тўплам. 52-56 б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2007. – 4-22 б.

радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа даврий нашрлар ҳам ҳуқуқий кафолатланганини тўғри англамоқ жоиз.

Сўз эркинлиги, ОАВ тили, таҳририяти, таҳририят ходими, журналист текшируви, ахборот манбаини ошкор этмаслик каби бу соҳа фаолияти билан узвий боғлиқ тушунчалар қонуний тус олгани ғоят муҳимдир. Булар матбуотнинг “Тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши учун ҳуқуқий замин яратиши шак-шубҳасиздир.

Қонун амалга киритилиши асносида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қатор қарорлар қабул қилди. Жумладан, 2006 йил 11 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2007 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорлар¹ соҳа ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, ана шу муҳим ҳужжатлар асосида сўнгги йилларда тармоқ нашрлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг газета-журналлари, ҳатто хусусий газета ва журналлар, нодавлат, кабелли телевидение ва радиостудиялар ташкил этилди.

Матбуотнинг “Тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши жамиятда миллий маънавиятнинг янада юксак даражага кўтарилишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бундай юксак маънавият том маънода енгилмас кучга айланаверади.

Журналист энг мураккаб шароитларда ҳам ахборот олиш ва тарқатишдек мураккаб вазифани адо этади. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни² (1997 йил) журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий кафолатлар беради. Мазкур қонунда журналист ўзи ким, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари нималардан иборат, журналист текшируви қандай амалга оширилади каби ва бошқа қатор саволларга тўлақонли жавоб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунида¹ (1997 йил) ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш, тарқатишга доир ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни² (2002 йил) эса ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини кафолатлайди. Унда ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2007. – 23-40 б.

² Қаранг: Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Мехнат, 2003. – 45-51 б.

¹ Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 8-10 б.

² Ўша тўплам, 41-48 б.

хавфсизлигини таъминлаш, ахборот, ахборот мулкдори, ахборотни муҳофаза этиш, ахборот ресурслари, ахборот соҳаси, ахборот борасидаги хавфсизлик, ахборот эгаси, махфий ахборот, оммавий ахборот ва ҳоказолар ҳақида тушунчалар ҳам берилган. Бу қонуннинг моҳиятини тўла англаган журналист ахборот олиш ва тарқатиш борасида кўзлаган мақсадига эришиши мумкин.

Журналист кадрлар тайёрлашда муҳим қадам

Мустақиллик йилларида ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасида ҳал этилаётгани аслида ҳар бир муҳаррир, журналист зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Давлат раҳбарининг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда демократик янгиликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шarti – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир”¹.

Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш чоралари ОАВга оид қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳам ўз аксини топган. Бугун ана шу муҳим вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ходимлари, биринчи галда, унга мутасадди бўлган, яъни, ҳар бир таҳририят раҳбари қандай йўл тутмоғи лозим, деган саволга атрофлича жавоб топишимиз зарур.

Жаҳон тажрибасидан яхши маълумки, жамият тараққиётини асосан кадрлар, ҳар бир соҳа мутахассислари ҳал этадилар. ОАВ соҳасида ҳам кадрлар тайёрлаш ҳамини долзарб масалалардан бири бўлиб келгани ва бу масала давлат сиёсати даражасида ҳал этилаётгани бежиз эмас.

ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати деганда аввало оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари тушунилади.

ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ҳукумат қарорлари ҳам жуда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида республика олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қониқарсиз аҳволда эканлиги, таълим тизими, журналистика мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги адабиётларнинг жаҳон андозаларига жавоб бермай қолганлиги, шунингдек, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги сабабли ўқув жараёнини ташкил этишда жиддий камчиликларга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 36 б.

йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда дунё андозалари даражасига кўтариш мақсадида мазкур қарорда қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Жумладан, журналистика факультетлари қошида иккинчи мутахассислик бўйича бир йиллик махсус ўқув курслари ташкил этиш, замон талаблари даражасида журналист кадрлар тайёрлашга қодир профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш, бу ишга чуқур билим ва тажрибага эга бўлган амалиётчилар ва соҳа мутахассисларини кенг жалб этиш, журналистика факультетларини ўқув дастурлари ҳамда зарур миқдорда компьютер техникаси, ўқув теле- ва радиостудиялари, чет тилларини мукамал ўрганиш учун техник ускуналар билан таъминлаш, тахририятлар қошида журналистика факультетлари талабалари учун ўқув марказлари (яъни, ижодий устахоналар) ташкил этиш, қобилиятли, ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг амалий тажрибаларини ошириб бориш мақсадида уларни иш ўрганувчи сифатида тахририятларга ижодий ходимликка қабул қилиш каби муҳим вазифалар қайд этилган эди.

Айтиш мумкинки, ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида журналистика факультетларида муайян ишлар амалга оширилди. Ахборот асри деб ном олган XXI асрда ахборотга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бориши, ҳаёт шиддат билан ўзгариши ўзига хос воқеликка айланмоқда. Шунга монанд оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлашни янада раванқ топтириш давр талабидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги “Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

“2006-2010 йиллар даврида оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури” кириш қисмидаёқ унда қанчалик муҳим вазифалар ўз ифодасини топганини англаш мумкин. Яъни:

I. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг жорий аҳволи.

II. Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастурининг мақсади, асосий йўналишлари ва вазифалари.

III. Давлат дастурини амалга ошириш босқичлари ва молиялаштириш манбалари.

Кўриниб турибдики, ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати улўғвор мақсадларга қаратилган. Уни тўла амалга ошириш ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ҳар бир ОАВ ходимидан, журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва бошқа мутасаддилардан улкан масъулият талаб қилади.

Жаҳонда юз бераётган воқеа-ходисалардан аҳолини тезкорлик билан хабардор этиш ҳамда уларга ўз муносабатимизни билдириш ахборот глобаллашуви жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Шу билан бир қаторда мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ҳақида халқимизни ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида холисона хабардор этиб бориш ҳаётий

заруратга айланган. Шундай долзарб вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Малакали журналист кадрларни тайёрлаш борасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида махсус икки йиллик Олий журналистика курслари очилгани айтиш мумкин бўлди. Унга танлов асосида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятларини намоён этаётган иқтидорли ижодкор ёшлар қабул қилинмоқда.

Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базани ҳамда ўқув жараёнини замонавий техник воситалар билан жиҳозлашни сифат жиҳатидан яхшилаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Демак, бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Рақобатга бардошли, янгича шарт-шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруриятини оммавий ахборот воситалари ривожланишининг давлат ва нодавлат даврий босма нашрлари, теле- ва радиостудиялари, таҳририят-матбаа комплекслари миқдор ва сифат жиҳатидан ўсишида, жамоатчилик билан алоқалар институтлари, реклама агентликлари, интернет журналистиканинг шаклланиши ва ривожланишида, шунингдек, ушбу соҳадаги меҳнат бозорида талабларнинг ортишида намоён бўлаётган замонавий тенденциялар ҳам тақозо этмоқда.

Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш қай даражада амалга оширилаётгани ҳам ушбу қарорда ўз аксини топган. Яъни, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университетида, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида, Қорақалпоғистон Давлат университетида бакалаврлар, магистрлар, икки йиллик Олий журналистика курсларида тингловчилар таълим олмоқдалар.

Дастурда белгиланганидек, меҳнат бозорининг янги йўналишдаги мутахассисларга бўлган амалдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда сиёсий шарҳ, оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти, интернет журналистика, оммавий ахборот воситалари социологияси, оммавий ахборот воситалари психологияси, ахборот-психология хавфсизлиги масалалари мутахассисликлари бўйича магистратура очиш соҳа ривожига ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Дастурда журналист кадрларни тайёрлаш моддий-техник базасини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, олий ўқув юртлиги талабалари ва ўқитувчиларининг республикамиздаги тегишли идоралар ва ташкилотлар ахборот-таълим ресурсларидан, шунингдек интернет тармоғидан кенг фойдалана олишини таъминлаш амалда бўлгуси журналистларнинг дунёвий билимларни янада чуқурроқ эгаллаш билан бир қаторда соҳа фаолиятида ахборот олиш ва тарқатишдек муҳим жараённи ўзлаштиришларида ҳам муҳим ўрин тутди.

Талабалар амалиёт сирларини дастлаб ўқув муассасасининг ўзида пухта ўзлаштиришлари уларнинг келгусида янада етук ва малакали кадр бўлиб

етишишларига хизмат қилади. Дастурда бу борада аниқ вазифалар белгилангани эътиборга моликдир. Яъни, ўқитишнинг илғор интерактив методларини кенг жорий этиш, тажрибали амалиётчи журналистлар раҳбарлигидаги “уста-синф”лар сонини кўпайтириш, ўқув газетасини чиқарган, теле-, радиоэшиттириш тайёрлаган ҳолда таҳририятнинг кундалик ишларига жуда яқин бўлган амалий ўйинлардан фойдаланиш шак-шубҳасиз ҳар бир талабанинг ижодий истеъдодини раванқ топтиришга ҳамда шу соҳага бўлган қизиқишини орттиришга хизмат қилади.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети базасида ўқув-нашриёт комплексини барпо этиш, уни ўқув-методик адабиётлар нашр этиш учун замонавий матбаа техникаси билан жиҳозлаш, унинг ишига журналистика факультети талабалари ва ўқитувчиларини жалб этиш ҳам бу борада ғоят муҳим қадам ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ўзгараётган давр журналистлардан тезкорлик ва ҳозиржавоблик баробарида қатъият, шижоат, фидойиликни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этаётир. Демакки, журналистика факультетларида ва таҳририятларда ташкил этилган “Маҳорат мактаблари”да етук журналист кадрлар тайёрлаш борасида муттасил изланиш талаб этилаверади.

Жамоатчилик билан алоқалар (PR) ва журналистика

Мамлакатда жамоатчилик билан алоқалар муҳим ижтимоий институт сифатида шаклланмоқда. Бу жараёнда журналистика соҳасида ҳам янги бир йўналиш пайдо бўлди. Яъни, турли ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини, шу билан бир қаторда ОАВ билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга хизмат қиладиган Ахборот хизматлари журналистика соҳасида ўзига хос янги йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумки, журналистика соҳаси ҳам бир нечта йўналишлардан иборат. Илк босма машина ихтиро этилиб, газета-журналлар нашр этилган даврданок журналистика ижтимоий воқеликка айлана бошлаган. Журналистика атамаси ҳам дастлаб журналлар мажмуига нисбатан қўлланилган. Фотографиянинг пайдо бўлиши – фотожурналистикага асос солган бўлса, кинематография кашф қилиниши – киножурналистикани вужудга келтирган. Радионинг ихтиро қилиниши радиожурналистика, телевидение эса тележурналистикага асос солгани яхши маълум¹.

Қатор ривожланган давлатларда омманинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида ташкил этилган ахборот агентликлари ҳам журналистика тараққиётига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги йилларда интернет журналистикаси ахборотни ўта тезкорлик билан тарқатиши, ададининг чексизлиги ва бошқа кўплаб хусусиятлари билан ОАВ орасида етакчи ўрин тутмоқда.

¹ Қаранг: Журналистика. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. –Б 642.

Эндиликда турли идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматлари ҳам ахборот тўплаши ва тарқатиши, ОАВ учун ахборот манбаларини яратиши билан журналистикада ўзига хос йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда журналистика деганда – газета-журнал ҳамда бошқа босма нашрлар, тележурналистика, радиожурналистика, фотожурналистика, киножурналистика, ахборот агентликлари, интернет веб-сайтлари тушунилади.

Ахборот хизматининг мақоми эса бироз бошқача. Ахборот хизмати тушунчаси рус тилидаги адабиётларда “пресс-служба” деб номланиб, айнан таржимаси – матбуот хизматидир. Шул боис, айрим ташкилотларда у “матбуот хизмати”, “матбуот маркази”, “матбуот гуруҳи”, “матбуот бўлими”, “ахборот гуруҳи” тарзида қўлланилса-да, моҳияти, вазифалари деярли бир хил эканлигини тўғри тушунмоқ керак. Ахборот хизматининг асосий мақсади – ўз ташкилоти ҳақида ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш. Журналистика ҳам Ўзбекистонда шу тариқа тараққий этиб бормоқда.

Ахборот хизматларида асосан журналистлар фаолият кўрсатишади. Бугунги кунда журналистика факультетлари ва бўлимларида соҳанинг худди ўша йўналишлари бўйича назарий билимлар берилади.

Юқорида қайд этилганидек, ташкилотлар таркибида ташкил этилган “матбуот хизмати”, “матбуот маркази” ва бошқа шу каби “бўлим”ларни энди ўз номи билан – Ахборот хизмати деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети қошида ташкил этилган “Ахборот хизматлари ходимларининг малака ошириш курси” ўқув режасидан ҳам жамоатчилик билан алоқалар (PR) назарияси ва амалиёти, ахборот хизматлари фаолиятига оид машғулотлар ўрин эгаллаган.

Журналистика факультети “Оммавий алоқалар ва реклама” ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети “Оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари” кафедралари ўқув режаларидан Паблик рилейшнз (PR) – жамоатчилик билан алоқалар фани алоҳида ўрин эгаллаган. Бу фан амалиёти асосан ташкилотларнинг ахборот хизматларида ҳамда яқинда ташкил этилган “Маҳорат мактаблари”да ўргатилмоқда.

Республикадаги қатор идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматларида ана шу ўқув даргоҳларидан етишиб чиққан ёш кадрлар самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасида ҳам 2006-2010 йиллар мобайнида “Матбуот хизматлари ишини ташкил этиш”, “Жамоатчилик билан алоқалар”, “Реклама иши масалалари” бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек электрон-ўқитиш ва бошқа билим берувчи ресурсларнинг янги авлодини яратиш¹ вазифаси юклатилган.

¹ Қаранг: ўша Давлат дастурига 1-илова. www.gov.uz

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, жамоатчилик билан алоқалар ҳамда ахборот хизматлари ишини ташкил этишга оид илмий тадқиқотларни изчил давом эттириш давр талабига айланмоқда.

Амалий жиҳатдан қаралганда, ахборот хизмати ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, ташкилот имижини яратишга хизмат қилади. Бу борада у ташкилот ва ОАВ ўртасида бамисоли кўприк вазифасини ўтайди. Ахборот хизматининг ОАВ билан доимий ҳамкорлиги, муттасил ахборот манбаларини яратиши журналистика тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Мазкур жараёнда у – PR журналистика сифатида намоён бўлади. Журналистиканинг маълум бир йўналиши сифатида PR ўзига хос тараққиёт мезонидек намоён бўлгани боис ҳам уни моҳиятан шундай аташ ўринлидир.

Кези келганда, журналистика соҳасидаги айрим ихтисослашувлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Турли соҳаларда ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш борасидаги ихтисослашувлар моҳиятан шундай аталмоқда: шарҳлаш журналистикаси, янгиликлар журналистикаси, парламент журналистикаси, ҳуқуқ журналистикаси, спорт журналистикаси, маърифат журналистикаси, иқтисодий журналистика, санъат журналистикаси, тиббиёт журналистикаси, халқаро журналистика, ҳарбий журналистика ва ҳоказо. Эндиликда улар қаторига PR журналистикаси ҳам қўшилгани айни муддаодир. Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, “бугунги кунда сиёсат ҳақида гапирганда – сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида – иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни – мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда”¹.

PR журналистикаси деганда аввало ахборот хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлиги, ахборот манбаларини яратиш ва уни ёритиб бориш жараёнлари тушунилади. Муҳими, турли идора ва ташкилотлар таркибида ташкил этилган ахборот хизматлари ходимлари ахборот тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланиб, ташкилотнинг оммавий ахборот воситалари билан муттасил ҳамкорлигини таъминлар экан, ушбу жараёнда PR журналистикаси намоён бўлади.

PR журналистикаси амалиётини асосан турли ташкилотлар ахборот хизматлари фаолияти мисолида кузатиш мумкин. Республикадаги қатор вазирликлар, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар ўз нашрларига, интернет тизимида веб-сайти, ахборот хизматига эга. Ахборот хизматининг бутун фаолияти энг аввало оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка қаратилади.

Бугунги кунда барча тармоқ нашрлари, телерадиостудиялар, веб-сайт таҳририяти ва ахборот хизматларида ихтисослашган журналистлар фаолият кўрсатишлари тақозо этилмоқда. Ахборот хизматида эса PR журналистикаси сирларидан бохабар кадрлар ишлаши мақсадга мувофиқдир. Демак, бўлғуси

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон. – Б 23.

журналистлар дунёвий фанлардан бири бўлмиш PR назарияси ва амалиётини пухта ўзлаштиришлари, бу соҳада халқаро андозалар ҳамда республика етакчи идора ва ташкилотлари ахборот хизматларида тўпланган тажрибалар билан яқиндан танишиб боришлари ва улардан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Реклама – таракқиёт омили

Ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу илғор тажриба аста-секинлик билан матбуот ва умуман оммавий ахборот воситаларида ҳам воқеликка айланмоқда. Очиги, илгари журналистлар рекламага “иккинчи даражали материал” сифатида қарар эди. Таассуфки, ҳозиргача ҳам айрим газеталарда (хатто республика нашрларида ҳам) ёритилаётган рекламага шундай муносабатда бўлинаётгани сезилиб туради. Яъни, реклама ёритишни иккинчи даражали иш деб ёхуд унга фақат моддий манфаат нуқтаи назаридан қарайдиган таҳририят ходимлари ҳам йўқ эмас. Баъзи таҳририят ходимлари ундаги хато-камчиликлардан “ўзини асраш” учун газета адоғига “реклама ва эълонлардаги фактлар учун муаллиф жавобгар” қабилдаги сўзларни ёзиб қўйишади.

Одамлар газетага ишонч кўзи билан қарайдилар. Унда ёритилаётган ҳар қандай хабар ва мақолалардан тортиб реклама ҳамда эълонларнинг ҳам ортида масъул ва масъулиятни ҳис этадиган шахслар туришганига ишонадилар. Очиги, газетада ёритилган ҳар қандай ахборот, жумладан, рекламалар ва ундаги фактлар, мазмун-моҳияти учун масъулиятни “таҳририят зиммасига олмайди” деб ёзиб қўйиш билан бирор ижобий натижага эришиш қийин. Аксинча, газета адоғидаги бундай ёзув ўша реклама ва эълонларга нисбатан одамларда шубҳа уйғотиши, ишончини сўндириши мумкин. Модомики, таҳририят уни ўз зиммасига олмаяптими, демак, тагида бир гап бор, деган шубҳа ҳаммасини чиппака чиқариши мумкин. Қолаверса, газета адоғига шундай деб ёзиб қўйиш учун ўша таҳририятнинг ҳуқуқий асоси бормикин?

Модомики, жавобгарлик ҳақида сўз борар экан, ОАВда ёритилган материаллар учун ким жавобгар бўлиши Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида аниқ белгилаб қўйилган. 2007 йил 15 январда қабул қилинган мазкур қонуннинг (янги таҳрири) “Бош муҳаррир” деб номланган 16-моддаси иккинчи бандида шундай ёзилган: “Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади”¹. Демак, у рекламаларни ёритишда “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддалари ижросини таъминлаш учун ҳам масъул, таъбир жоиз бўлса, жавобгар ҳисобланади. Узр, мазкур қонунда “реклама ва эълонлардаги

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. –Т.: Ўзбекистон, 2007. – 10 б.

фактлар учун жавобгарликни тахририят ўз зиммасига олмаслиги” мумкин эканлиги ҳақида бирорта гап йўқ...

Жўнгина савол туғилади: башарти, бирор қитмир ё чаласавод нотўғри, қандайдир зарарли реклама берса-чи? Уни (узр, пулига учмасдан!) ёритишни рад этишга тахририят ҳақлидир. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси учинчи бандида шундай ёзилган: “Тахририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч ким ҳақли эмас”².

Юқорида қайд этилган “жўнгина савол”га Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунидан янада мухтасар жавоб топиш мумкин. Қонун ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисида”ги низомида ҳам бу борадаги зарур қоидалар аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, низомнинг 14-бандида: “Рекламага қўйиладиган асосий талаблар: қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, реклама истеъмолчисига зарар, маънавий зиён етказмайдиган шакл ва воситаларни қўллаш”³ деб белгилаб қўйилган. Модомики, тақдим этилган рекламага нисбатан тахририят ходимида бирор шубҳа уйғондими, марҳамат, уни текшириб кўриши, ноаниқ жойларини аниқлаштиришга кўмаклашиши (бунинг учун керак бўлса ҳақини олади!) мумкин. “Ишончсиз реклама”ни ёритиш тақиқланиши ҳам мазкур низомнинг 16-бандида аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Мазкур низомда “Рекламага рухсат бериш”, “Реклама берувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари”, “Рекламани тайёрловчи ва тарқатувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” ҳам алоҳида фаслларда бандма-банд белгилаб қўйилган.

Демокчимизки, аввало нотўғри, зарар келтирувчи, ишончсиз рекламага ҳеч қаерда, жумладан, ОАВда ҳам йўл қўйилмайди. Берилаётган реклама учун тахририят уни тақдим этган шахсдан аввало нималар талаб қилиши ҳам мазкур қонунда ва низомда аниқ белгилаб қўйилган. Тахририят талабини бажармаган тақдирда уни рад этиш мумкин. Демак, қарс икки қўлдан, деганларидек, энг самарали йўл – реклама берувчи билан тахририят (алоҳида реклама бўлими!) ходимлари баҳамжиҳат бўлиб, ҳамкорликда ишлашлари мақсадга мувофиқдир. Бу ерда қандайдир “жавобгарлик”дан қочиш ё усталик билан бўйиндан соқит қилишдан кўра кўпроқ ижобий натижага эришилади. Ахир, рекламадан нафақат реклама берувчи, айти вақтда тахририят ҳам яхшигина манфаатдордир. Бугун ҳаётимизда рекламалар ижтимоий воқеликка айланаётган экан, бу борадаги қонунчиликка қатъий амал қилинмаса рекламачи ҳам, ОАВ ҳам, истеъмолчи ҳам бирдек зарар кўради.

Жамиятда газеталар қанча ижтимоий, маърифий вазифаларни адо этса, рекламанинг ҳам бу борадаги вазифалари ундан кам эмас. Аввало, ҳар қандай ахборот кишини нимагадир ўргатади, унга қандайдир билим беради. Рекламанинг маърифий вазифалари жуда кўп. У товарлар ва хизматлар

² Қаранг: Ўша тўплам, 19 б.

³ Қаранг: Тўртинчи ҳоқимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.: Меҳнат, 2003. – 80 б.

хақида янги ахборотдан воқиф қилади. Бу эса одамларга уларни тадбик этишга ёрдам беради. Реклама амалда жамиятнинг юксак суръатлар билан ривожланишига хизмат қилади.

Рекламанинг ижтимоий вазифаси кам эмас. Реклама ёрдамида товарларни сотиш ташкиллаштирилади. Одатда яхши маҳсулотларгина реклама қилинади. Шу тариқа реклама аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Реклама эркин тадбиркорликнинг моддий, ижтимоий ва маданий имкониятларини оммалаштиради, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва товар сифатининг яхшиланишига таъсир кўрсатади. Газетада рекламани қандай жойлаштириш ва тарқатиш алоҳида хусусиятларга эга. Бу ҳам тадбиркорликнинг муҳим иқтисодий қонуниятларидан бири. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарилган (хизмат кўрсатиш бошланган) вақтдан эътиборан тадбиркор ўз маҳсулоти учун мижоз кидиради. Бундай пайтда эса реклама унга дастлабки даромад олиш йўлларини кўрсатиб беради. Бундан ўз навбатида истеъмолчилар ҳам манфаатдор бўладилар.

Журналистлар туман нашрларини – ҳаётга энг яқин газета сифатида эътироф этадилар. Демак, унда ёритиладиган рекламаларнинг самараси ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз. Ҳар бир соҳада илғор тажрибалардан андоза оладиган ва ўрни келганда рақобатлашадиган замонда рекламаларни ёритишда илғор усуллардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада илғор технологиялардан унумли фойдаланиб, рекламалар сифатини ошириш, дизайни ва бошқа жиҳатларига жиддий эътибор бериш, айнан таҳририят ходими унга ҳам ижодий ёндошиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

3-қисм

АМАЛИЁТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Устозлар изидан

Журналистика соҳасида, бири бирига устоз, бири бирига шогирд, деган анъана бор. Бунинг маъноси, қўлига қалам тутган ҳар бир журналист бир-биридан ижоднинг нозир сирларини ўрганадилар. 2009 йил сентябрь ойида журналистика факультетида бўлиб ўтган “Уч авлод учрашуви” тадбири ана шу анъанага ўзгача шукуҳ бахш этди.

Биринчи авлод вакиллари – журналистика факультетида узоқ йиллар мураббийлик қилишган азиз устозлар, иккинчи авлод вакиллари – мазкур ўқув даргоҳини бундан ярим аср илгари тамомлаб, ҳаётда муносиб ўрнини топган устоз журналистлар ва учинчи авлод вакиллари – мустақиллик фарзандлари ҳисобланган биринчи босқич талабалари бўлдилар.

– Ярим аср муқаддам ўзлари таҳсил олган ўқув даргоҳига бугун меҳмон сифатида ташриф буюрган табаррук инсонлар – таниқли журналистлар, олимлар ва бошқа ижодкорлар аслида собиқ талабаларимиз эканлигидан ҳақли равишда фахрланамиз,– деди факультет декани, тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров.– Ижод ва илм бўстонида ўз ўрнини топган бу

устозларнинг ибратли ҳаёт йўллари бугунга кунда факультетимизнинг ёш талабалари учун ўзига хос ҳаёт мактабидир. Бу ёшлар келгусида етук журналист бўлишлари ва жаҳон ахборот маконида муносиб ўрин эгаллашлари учун ҳам аввало ана шу устозларнинг тажрибаларини кунт билан ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Ярим аср илгари шу ўқув масканида таълим берган табаррук устозлар ҳамда улардан сабоқ олиб, ўтган давр мобайнида катта ҳаёт йўлини босиб ўтишган устоз журналистларнинг кўзларидаги ҳаяжонни тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Уларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.

Анвар Шомақсудов, доцент, факультет собиқ декани:

– 1954 йил 1 сентябрда мана шу курс учун чалинган кўнғироқ садолари ҳамон кулоқларим остида жаранглаётгандек! Ўша кезде аудиторияда ранг-баранг кийимларда гулгун очилиб ўтирган талабаларнинг нурли чехралари ҳам ҳамон кўз олдимда. Қаранг, орадан эллик беш йил ўтиб кетибди. Ўшанда биринчи курс талабаси бўлган шогирдларимиз қўлларига диплом олганига ярим аср тўлганини нишонлаш учун бугун ташриф буюрганлар! Ўзинг сабоқ берган талабаларинг даврасида ўтиришдан катта бахт бўлмаса керак. Ўшанда мана шу шогирдларим қандоқ ўқиганларини эслаб, дилим яйрапти.

Улар ҳақида бирма-бир гапирадиган бўлсам, таниқли файласуф олим, профессор, ёзувчи ва драматург Тилаб Маҳмудов билан республикада хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудованинг ярим асрдан буён ижодини кузатиб, таъбир жоиз бўлса, жуда фахрланиб келаман.

Факультетимизда узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган профессор, филология фанлари доктори, таниқли ёзувчи Мухтор Худойқулов билан ҳаммамиз фахрланамиз.

Республикада хизмат кўрсатган журналистлар Соат Мусаев, Саидмурод Тиллаҳўжаев, фан номзоди бўлган Акбар Алиев, журналист Сония Мусаева ва бошқа собиқ талабаларимиз ҳам устозлари ишончини оқлади, дейишга ҳақлиман!

Адабиёт бўстонида шоира Гулчехра Жўраеванинг алоҳида ўрни бор!

Шу ўринда факультетимиз тарихи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсам. 1949 йили университетимиз филология факультети қошида “Журналистика бўлими” сифатида ташкил этилган ўқув даргоҳимиз 1967-1968 ўқув йилидан эътиборан факультетга айлантирилган. Унга дастлаб тарих фанлари доктори, профессор Тўғон Эрназаров раҳбарлик қилган. У 1965 йилда Ўзбекистон журналистикаси тарихида биринчи фан доктори бўлган эди. Фидойи устоз раҳбарлик қилган даврда факультет ташкилий жиҳатдан шакллантирилиб, журналистика илмининг мустаҳкам пойдевори ўрнатилган.

Бу масканда турли йилларда раҳматли Тоҳир Пидаев, Воҳид Абдуллаев, Ориф Саидов, Натан Маллаев, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Очил Тоғаев, Адҳам Акбаров, Расул Мухаммадий, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Ирисали Тошалиев, Фатхиддин Насриддинов сингари забардаст олимлар ҳам фаолият кўрсатганларини эҳтиром билан эсласак арзийди.

Абдулла Аюпов, профессор:

– Университетимиз фалсафа кафедрасида ишлаётганимга атиги 60 йил бўлибди! Бу курсга мен ўн йиллик педагогик тажрибасига эга ўқитувчи сифатида кирганим ёдимда. Ҳамма даврда ҳам журналистика факультети талабаларининг фалсафа илмига қизиқишлари ўзгача бўларди. Уларнинг энг катта ютуғи, олган билимларини бадий-публицистик асрларида намоён эта оладилар. Бугунги даврамизда устозларининг ишончларини оқлаган собиқ талабаларимиз ўтиришганидан фахрланиб кетасан киши. Мухтасар қилиб айтганда, улар ўз ўз илму ижодлари билан миллий фалсафамизни юксак чўққиларга кўтарганлар.

Тилаб Маҳмудов, профессор, фалсафа фанлари доктори, ёзувчи:

– Журналистикада ҳам, фалсафа оламида ҳам устоз ва шогирдлик ўзига хос анъанага айланиб қолганини ўз ҳаётимизда кўрмоқдамиз. Бу анъана 90 йилдан бери жонажон университетимизда давом этаётгани барчамизга ғурур бахш этади. Бизни қувонтирган ҳол шуки, Миллий университетимизнинг биз таҳсил олган – 50 йил илгарига аҳволи билан бугунги қиёфасини солиштириб бўлмайди. Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан Миллий мақомга эга бўлган университетимизда сўнгги йилларда амалга оширилган хайрли ишларни кўриб, қайтадан талаба бўлгимиз келаётганини ҳам яшира олмайман!

Шундан сўнг собиқ курсдошлар, умрини журналистика соҳасига, ижод ва илмга бахшида этган Мухтор Худойкулов, Абдуғафур Расулов, Шавкат Раҳматиллаев, Соат Мусаев, Саидмурод Тиллахўжаев, Дилбар Маҳмудова, Сония Мусаева, Акбар Алиев ва бошқалар ҳам дил сўзларини изҳор этдилар.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Журналистлари ижодий ушмаси раисининг ўринбосари Зафаржон Саидов журналистлар ва мураббийларни самимий қутлаб, улардан бир гуруҳига уюшма Фахрий ёрлиғини топширди.

Учинчи авлод вакиллари номидан сўзга чиққан ёш шоира, биринчи босқич талабаси Шаҳноза Усмонова шу табаррук устозлар изидан бориш энг катта бахт эканини алоҳида таъкидлади.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган “Уч авлод учрашуви” университет Маданият саройида катта концертга уланиб кетди. Хушовоз санъаткорлар ижро этишган дилрабо куй ва қўшиқлар байрамга янада файз киритди.

Табаррук ёшдаги устоз журналистларнинг жўшқин ҳаёти ва ижод йўли бугун бу қутлуғ масканда таҳсил ола бошлаган талабалар учун ўзига хос маҳорат мактабидир.

Маҳорат мактаблари

Журналистика факультетида таҳсил олган қанчадан-қанча таниқли журналистлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг қаламлари илк бора “Журналист” ўқув газетасида қайралган! 1978 йилдан буён чоп этиб келинаётган бу газета бўлғуси журналистларнинг биринчи амалиёт мактаби ҳисобланади. Ижодкор ёшлар ўқув газетасида чинакам маҳорат сирларини ўрганадилар.

Талабалар мазкур ўқув газетасига турли мавзуда хабарлар, мақолалар, суҳбатлар, шеър ва жажжи ҳикоялар ёзиш билан бирга таҳрир санъатини ҳам ўрганадилар. Ҳаваскор талабаларнинг ранг-баранг фотолавлари газета саҳифаларини безайди. Ёш журналистлар газетани макетлаштириш, дизайн сирларини ҳам ўзлаштирадилар.

Бугунги талаба – эртага журналист! Шунини фахр билан айтиш жоизки, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган юзлаб таниқли журналистлар, қатор газета ва журналлар, телевидение ва радио муҳарририятлари, ахборот агентликлари, китоб нашриётлари бош муҳаррирлари журналистика факултетимизда таҳсил олганлар! От ўрнини той босар, деганларидек, вақти келиб истеъдодли ва иқтидорли талабаларимиз ҳам ана шундай масъул лавозимларда ҳам фаолият кўрсатадилар.

Бўлғуси журналистлар ўқув машғулотларидан кейин “Маърифат”, “Туркистон”, “Моҳият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият” каби кўплаб газеталар ва қатор журналлар таҳририятларида, телевидение ва радио студияларида, ахборот агентликларида, турли идора ва ташкилотларнинг ахборот хизматларида ташкил этилган “Маҳорат мактаблари”да ҳам тажрибали журналистлардан касб сирларини ўрганмоқдалар.

Хулоса ўрнида

Дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда шунга муносиб журналист кадрлар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Бугунги журналист маънан етук, ҳуқуқий савияси юқори, фикри теран, пухта билим эгаси бўлиши камлик қилади. У замонавий ахборот технологиялари билан ишлаши, ишлаганда ҳам шунга яраша рақобатбардош бўлиши талаб этилади.

Бугунги журналист қандай бўлиши керак, унинг вазифалари нималардан иборат, деган саволларга энг мухтасар жавоблар Давлат раҳбарининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” каби асарларида кенг баён этилган. Бундан ташқари, ҳар йили касб байрами муносабати билан “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” йўлланаётган табрикларда ҳам бугунги кунда журналистлар олдида турган энг масъулиятли вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Журналистикага оид назарий билимларни ҳамда соҳага оид қонунларни пухта эгалламасдан, замонавий ахборот технологиялари сир-асрорларини мукамал ўзлаштирмасдан ва энг муҳими, ижодий маҳоратга эга бўлмасдан туриб бугун замон талабига мос журналист бўлиш амри маҳол. Ижодий соҳада – изланиш деган тушунча ана шундай залворли масъулият юкلامоқда.

Замонавий журналистика сир-асрорларини теран нигоҳ билан ўзлаштириб бориш ва пировардида, етук журналист учун жуда кўп адабиётлар, назарий манбалар, маҳорат мактаблари керак бўлади. Ушбу ўқув қўлланма ҳам озми-кўпми шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши, маҳорат сирларини ўрганишда асқотиши мумкин.

Фойдаланилган ва ўқиш тавсия этиладиган адабиётлар ҳамда манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлари. Тўртинчи ҳокимият. –Т.: Меҳнат, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 8-10 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. –Т.: Адолат, 2007. – 23-40 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 26 декабрь) (янги таҳрири, 2007 йил 15 январь). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008. – 63-78 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т. Ўзбекистон, 2002.
7. Каримов И.А.. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
9. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
10. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. //Халқ сўзи, 2009 йил 27 июнь.
11. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маъна-виятга, келажакка эътибор. //Моҳият, 2009 йил 3 июль.
12. М.Бехбудий. Танланган асарлар. –Т.: Маъна-вият, 1999.
13. Луғат-маълумотнома: Журналистика. Реклама. Паблик рилейшнз. 1700 атама. /Нестеренко Ф. ва бошқ. –Т.: Зар қалам, 2003.
14. Мўминов Ф. Паблик рилейшнз: история и теория. –Т.: Ижод дунёси, 2004. – 120 с.
15. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2008.
16. Чўлпон. Матбуот ҳақида мақолалар. Адабиёт надир. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
17. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-6 томлар. –Т.: 2000-2004.
18. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 571-656 б.

19. Қозоқбоев Т. Журналистика асослари. Ўқув қўлланма –Т.: Муסיқа, 2007. – 124 б.

20. Ҳозирги замон журналистикаси. Лойиҳа раҳбари Қ.Т.Ирназаров. –Т.: Алоқачи, 2008. – 304 б.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-қисм. Журналистика ва жамият маънавияти	
Жамиятда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ўрни . . .	
Замонавий ахборот майдони: мақсад ва масъулият	
Жадидлар ҳаракати ва миллий матбуот тараққиёти . . .	
Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказиш куроли сифатида	
ОАВ соҳасида замонавий технологиялар	
“Оммавий маданият”нинг маънавиятга салбий таъсири . .	
Маънавий бўшлиқ ва ахборот майдонидаги хавф-хатарлар	
Мафкура полигонларида сўзнинг қудрати	
Бепарволик, лоқайдликнинг маънавиятга етказадиган зарарлари . .	
Маънавий-маърифий тарғибот технологиялари	
Асрларга татиғулик йиллар	
“Президентга мактублар”	
2-қисм. Журналистиканинг ҳуқуқий асослари	
Миллий журналистика ривожда қонунларнинг ўрни . .	
Журналист кадрлар тайёрлашда муҳим кадам	
Жамоатчилик билан алоқалар (PR) ва журналистика . . .	
Реклама – тараққиёт омили	
3-қисм. Амалиёт ва маҳорат мактаби	
Устозлар изидан	
Маҳорат мактаблари	
Хулоса ўрнида	
Фойдаланилган ва ўқиш тавсия этиладиган адабиётлар ҳамда манбалар	

Журналистика. Маънавият. Жамият. Ўқув қўлланма./Ш.Миралимов, Т.Эшбеков; масъул муҳаррир Жаббор Раззоқов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 64 б.

И. Эшбеков Тўлқин.

ISBN 978-9943-01-531-9

ББК 76.01 (5Ў)